

Мундарижа

Тадхия

Мухиддин КАЛОНОВ. Корхоналарнинг молиявий натижалари таҳлилини токомиллаштириши	3
Рақамли иқтисодиёт	
Бахридан МАҲМУДОВ. Рақамли иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишга таъсирин	7
Эконометрик моделлаштириши	
Носир МАҲМУДОВ, Азamat ҚОСИМОВ. Ҳудудий саноатни эконометрик моделлаштиришининг ўзига хос хусусиятлари	10
Инвестиция	
Азизон ТИЛЛАХОДЖАЕВ. Тўқимасилик саноатида инвестиция лойиҳаларини бошқариши самарадорлигини ошириш	13
Тажриба ва самара	
Абдувосит НАЗИРОВ. Миллӣ иқтисодиётин инновацион ривожлантиришда венчур маблагидан фойдаланиш	19
Аудит	
Сууб ҲАМИДОВА, Абдирахим ТЎРАЕВ, Шерзод РАҲМОНОВ. Пул маблаглари аудитини ҳалқаро аудит стандартлари асосида токомиллаштириши	22
Жарән	
Баҳодир ОМОНОВ, Моҳира УСМАНОВА. Йўл ҳаракати хавфзизангини оширишда замонавий интеллектуал транспорт тизимларидан фойдаланиш	27
Ислоҳот	
Мехридин ҲОЖИЕВ. Нодавлат нотижорат ташкилотларида активлар аудитини токомиллаштириши	30
Иқтисодиёт	
Ирода БАКИЕВА, Шавкат ФАЙЗИЕВ. Фаол инвестиция сиёсати – иқтисодиёт барқарорлиги омили	35
Долзарб мавзӯ	
Нодирбек СОТВОЛДИЕВ. Озиқ-овқат бозорини давлат томонидан тартиғоба соили ўйналишлари ва ўзига хос хусусиятлари	38
Аграр соҳа	
Соҳибжон ТОПИЛДИЕВ. Ўзбекистон аграр секторидаги муаммоларни бартарфа этишининг асосини йўллари	41
Ижтимоний таъминот	
Шерзод РАЖАБОВ. Пенсия тизимидағи таркиби ўзгаришнинг иқтисодий аҳамияти	44
Соглиқ ва хавфзизик	
Азиз ЗИКРИЈЕЕВ. Курниши саноатида инсон соглиги ва хавфзизангининг ижтимоний-иктисодий самарадорлигини бахолашга услубий ёндашувлар стратегик бошқарув тизими	47
Стратегик бошқарув тизими	
Умиджон КОСТАЕВ. Стратегик бошқарув хисобида хўжалик юртгувчи субъектлар фаолиятини бахоловчи кўрсаткичлар тизими	50
Таракқийт	
Акрам ХОЛОВ. Ёш раҳбар кадрларнинг мансаб погоналарида ўчиш истиқболлари	56
Кластер механизми	
Муборак АШУРОВА. Ишлаб чикаришни кластер усулида ташкил этишининг зарурити	59
Туризм	
Абдула МИРЗАЕВ. Ўзбекистонда туристик рекреация корхоналари фаолиятини бошқариниши ташкилий-иктисодий механизmlарни токомиллаштириш тадбиркорлик	62
Азиз ҚОДИРОВ, Дилмуза ҮРОКОВА. Кичик бизнесда инновацион фаолият ва уни ривожлантириш масалалари	66
Маркетинг	
Нозимжон ТУРСУНОВ, Тоҳиржон МАҲМУДОВ. Инновацион иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон мода индустриясини ривожлантиришда маркетинг стратегияларининг ўрни	69
Модернизация	
Дилбэр ҲОДЖАЕВА. Иқтисодиётни модернизациялаш – барқарор иқтисодий ўсиш омили	73
Эркин иқтисодий зоналар	
Зебинисо НАВРУЗЗОДА. Эркин иқтисодий зоналарнинг мазмун-моҳияти, мақсадлари ва ривожланиш хусусиятлари	76
Хизматлар соҳаси	
Зилола ЖЎРАЕВА. Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасини ривожлантириш зарурити	79
Нигот	
Баҳодир МАРДОНОВ, Мұхаммадамин ЭРДОНОВ. Хизмат кўрсатиш соҳасини ююри сурʼатларда ривожлантиришнинг устувор ўйналишлари	82
Қимматли қозолар бозори	
Акрамжон КАРИМОВ. Ўзбекистон қимматли қозолар бозорида акцияларнинг оммавий таклифи ва унинг иқтисодий аҳамияти	86
Хориж тажрибаси	
Сиројиддин МАҲАТОВ. Корея Республикасида инновацион тизим шакланишининг ўзига хос хусусиятлари ва асослари	90
Транспорт	
Муҳаммадхўжа САЙТКАМОЛОВ. Темир йўл транспорти ривожланшида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш ўйлари	94

Туризм ёрдамчи ҳисоби

Акбар ЖУМАЕВ. Туризм ёрдамчи ҳисоби ва уни токомиллаштириш ўйналишлари	97
--	----

Сегментар ҳисобот

Рисомат ҲАСАНОВА. Сегментар ҳисобот тузишнинг назарий жиҳатлари ва уни кластерларда қўллаш усулади	100
--	-----

Молия

Бобур БОРОНОВ. Молиявий активлар ҳисоби принциплари таснифини токомиллаштириш	103
---	-----

Меҳнат бозори

Абдураҳмон АСРАҚУЛОВ. Норасмий бандикка концептуал ёндашувлар ва унинг Ўзбекистон меҳнат бозоридаги даражаси	106
--	-----

Пенсия тизими

Фаҳридин ЗАЙНИДИНОВ. Пенсия тизими даромадларини ижтимоий таъминот ва инвестицион фаолиятга самарали сарфлаш йўллари	111
--	-----

Банк фаолияти

Обид ҲАМРАЕВ. Банкларга молиявий ресурсларни жаъл этишини токомиллаштириш	114
---	-----

Хуауа

Нурсратилло ИОРҚОБИЛОВ. Кащадаре вилоятги иқтисодиётини ривожлантирища хорижий инвестициаларининг ўрни	118
--	-----

Уй-жой коммунал хўжаланинг

Нодирхон ЖЎРАЕВА. Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалиги тизимининг шакланиши ва боллаш хусусиятлари	122
---	-----

Қишлоқ хўжаланинг ракамаштириши

Гузал АДИОВА. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги рақами иқтисодиёт тизимининг шакланишини илмий методологик асослари	126
--	-----

Маркетинг

Сироҷали АДЛОБЕРГАНОВ. Интерактив ва рақами маркетингнинг корхоналар маркетинг фаолиятни ривожлантиришага ўрни	130
--	-----

Фаронов турмуш гарови

Сандубайдалоҳон САИДУМАРАДИХОНОВ. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини яхшилашда аҳоли даромадларининг ўрни	134
---	-----

Интеграция

Бунёд РАДЖАБОВ. Мамлакатнинг глобал инновацион иқтисодиётта интеграциялашувини баҳолаш	137
--	-----

Содержание

Цифровая экономика

Бахтиёр МАҲКАМОВ. Эффективное лицензирование радиочастотного спектра как фактор привлечения дополнительных инвестиций в сферу мобильных услуг	141
---	-----

Стратегическое управление

Зулати САИДИЛАЕВА. Вопросы устойчивого развития организации на современном этапе	144
--	-----

Инновационная экономика

Зумрат ГАЙБАЗАРОВА. Взаимосвязь человеческого капитала с интеллектуальным капиталом	148
---	-----

Цифровая экономика

Зуҳра ОТАКУЗИЕВА, Шуҳрат БОБОХУЖАЕВ. Роль и место биржевых электронных торговых систем Ўзбекистана в цифровой экономике	151
---	-----

Финансы и рынок

Равшан КАЮМОВ, Ферузбек МАДАМИНОВ. Комплексный подход к раскрытию сущности финансового рынка	156
--	-----

Финансовый мониторинг

Шамсиддин АЛЛАЯРОВ. Значение финансового мониторинга в системе экономической безопасности	160
---	-----

Рыночные исследования

Шахзод МАҲКАМОВА, Зумрад ИЛҲАМОВА. Потребительское поведение современной молодежи	164
---	-----

Корпоративное управление

Обид АСАДОВ. Повышение эффективности системы корпоративного управления акционерной компании «Узбектелеком»	167
--	-----

Управление предприятием

Султан БАЛАШЕВ. Управление кредитоспособностью предприятия	171
--	-----

Международная практика

Шерзод КУДИЕВ. Основные изменения в деятельности МОТ в условиях инновационного развития	175
---	-----

Государственное регулирование

Умид ЮЛАШЕВА. Зарубежный опыт государственного регулирования предприятий малого бизнеса	181
---	-----

Банковская деятельность

Феруза УРУНОВА. Формы участия коммерческих банков в финансировании инвестиционных проектов	185
--	-----

Инвестиции

Наргизабону АБИРОВА, Рушана АМИНОВА. Инвестиционная поддержка малого бизнеса: проблемы и перспективы	188
--	-----

ТАХРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАХРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАХМОНОВ

ҮзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

ТАХРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

Gerhard FELDMAYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

Нагмет АИМБЕТОВ

ҮзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

Юрий ОДЕГОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

Адҳам БЕКМУРОДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Мухиддин ПҮЛАТОВ

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

Дурбек АХМЕДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Бахтиёр ИСЛОМОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Баҳодир УМУРЗАКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Игорь БУТИКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Мухиддин КАЛОНОВ

иқтисодиёт фанлари доктори,

доктор экономических наук

УЎТ: 338.46

Рақамли иқтисодиёт шароитида хизматлар соҳасини ривожлантириш зарурияти Необходимость развития сферы услуг в цифровой экономике The need to develop services in the digital economy

Зилола ЖЎРАЕВА,
Бухоро Давлат университетининг
Сервис соҳаси иқтисодиёти кафедраси
катта ўқитувчиси.

Аннотация

Уибу мақолада хизматлар соҳасини ривожлантиришининг объектив зарурияти ҳамда рақамли иқтисодиётни шакллантиришидаги аҳамияти ёритилган. Ўзбекистонда мазкур соҳанинг ривожланиши таҳлил қилиниб, уни янада яхшилашининг устувор йўналишилари кўрсатилган.

В этой статье подчеркивается объективная необходимость развития сферы услуг и важность построения цифровой экономики. Представлен анализ развития сферы услуг в Узбекистане и показаны приоритеты для дальнейшего развития сферы услуг.

This article emphasizes the objective need for the development of the service sector and the importance of building a digital economy. The analysis of the development of the service sector in Uzbekistan is presented and the priorities for the further development of the service sector are shown.

Ривожланган давлатлар тажрибаси мамлакат иқтисодиёти барқарор равнақ топишини таъминлаш учун интеллектуал маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда хизматлар соҳасини тараққий эттириш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки иқтисодий ўсишнинг ҳозирги босқичи хизматлар соҳаси иқтисодиёти ва “билимларга асосланган иқтисодиёт”нинг ўзаро бирлашиши сифатида эътироф этилади. Умуман олганда, хизматлар соҳаси иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг асосий омилларидан биридир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шуларни назарда тутиб, Олий Мажлисга жорий йил 24 январдаги Мурожаатномасида “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот

технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради”, деба таъкидлаб ўтди [1].

Эндиликда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бирига айланган. Бинобарин, ишлаб чиқариш жараёнларининг такомиллашиши, бозорнинг кундалик товарлар билан тўйиниши, илм-фанинг жадал ривожланиши замонавий хизматлар кўрсатиш соҳасини замонавийлаштиришни талаб этмоқда. Буларнинг барчасини ахборот, молия, транспорт, савдо, сугурта ва бошқа хизматлар турларидан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Миллий иқтисодиётимизни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини амалга оширишга ҳамда инновацияларни жорий этишга

Калит сўзлар: хизматлар соҳаси, рақамли иқтисодиёт, инновация, модернизация, диверсификация, ахборот технологиялари, замонавий ахборот хизматлари, интернет.

қаратилган ислоҳотлар натижасида хизматлар соҳаси янги босқичга кўтарилди. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармони билан тасдиқданган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016–2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ти қарори каби қатор ҳужжатларда бу соҳани янада такомилаштириш, диверсификациялаш ҳамда кўрсатиладиган хизматлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши бугунги кунда бутун миллий иқтисодий комплекс равнақи учун жуда зарур. Негаки, замонавий иқтисодиётда ушбу секторнинг роли нафакат унинг иқтисодиёт таркибидаги устунлиги, балки иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари, масалан, илм-фан ривожи, замонавий ахборот технологияларининг хизматларда шаклланиши билан ҳам боғлиқdir.

Илмий манбаларда хизматлар соҳаси турлича таърифланган ва иқтисодиётнинг энг истиқболли йўналишларидан ҳамда рақамли иқтисодиётни шакллантирадиган асосий мезонлардан бири эканлиги қайд этилган. Масалан, А.Булатова ва Н.Литвинцева бу хусусда қўйидагича фикр билдиришган: “Хизмат кўрсатиш соҳаси мураккаб кўп қиррали механизмни ифодаловчи замонавий савдо-сотиқ ва транспортдан тортиб таълим ва сугурта соҳаларига қадар кенг қамровли фаолиятни қамраб олган замонавий иқтисодиётнинг энг истиқболли йўналишларидан биридир. Ресторан ва меҳмонхоналар, сартарошхоналар ва таъмирлаш устахоналари, спорт клублари ва ўқув муассасалари, сайёхлик агентликлари, аудиторлик ва маслаҳат компаниялари, банклар, клиникалар, мотеллар, дам олиш уйлари – буларнинг барчasi хизмат кўрсатиш соҳасига тегиши” [3].

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш масалаларига мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларида ҳам жиiddий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ю.Урунбаева ушбу соҳани ривожлантириш асосида ахоли турмуш даражасини янада яхшилаш истиқболларини тадқиқ этган [4], И.Очилов эса хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадор-

ликни ошириш йўлларини ёритган [5].

Мустақиллик йиллари юртимизда иқтисодиётни диверсификациялаш ва таркибий ўзгартиришларни чуқурлашириш, ахоли бандлигини самарали таъминлаш, турмуш сифати ва фаронлигини оширишнинг муҳим йўналишлари ва омилларидан бири сифатида хизматлар соҳаси ва сервисни жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Қолаверса, мазкур соҳа охирги пайтларда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда, рақамли иқтисодиётни шакллантирища салмоқди ўрин эгалламоқда.

Рақамли иқтисодиёт янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалиқ ҳаётга татбиқ этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга киритиш демакдир, у ривожланишининг замонавий босқичи бўлиб, ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўли танлангани ахборот технологиялари соҳасини такомиллаштиришни ҳамда замонавий ахборот хизматлари кўрсатишни кенг кўламда жадаллаштиришни талаб қиласди.

Мамлакатимизда изчил давом эттирилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар жараёнида хизматлар соҳасини ривожлантиришга ва рақобатбардошлигини оширишга устувор вазифалар сифатида қаралмоқда. Бойси, бу соҳа мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий қисмини ташкил этмоқда, сўнгги йилларда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг ярми-

1-жадвал.

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми (млрд. сўмда) [6]

T/р	Хизматлар турлари	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.
1	Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар	5 181,5	6 306,8	8 196,7	10 332,6
2	Молия хизматлари	8 206,7	9 898,4	15 023,8	21 296,3
3	Транспорт хизматлари	26 817,3	30 617,8	36 217,2	44 159,4
4	Савдо хизматлари	21 366,9	27 368,2	32 006,9	39 743,4

дан ортиги айнан унинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2015 йилда жами 78530,4 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган. 2018 йилда бу кўрсаткич қарийб икки баробарга ошиб, 150889,8 млрд. сўмга етган.

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмини таҳлил қилиш орқали уларга бўлган талабни ҳамда мазкур хизмат турларининг ривожланиш динамикасини кўриш

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ

мумкин. Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда ахборот ва алоқа, молия, сугурта ҳамда маслаҳат хизматлари фоят муҳим аҳамият касб этади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан ахборот технологиялари ривожланиши ҳамда замонавий ахборот ва алоқа хизматларига талаб тобора ортиб бориши натижасида ахборот хизматлари кўрсатиш ҳажми 2018 йилда 2015 йилгига нисбатан икки баравар, транспорт ва савдо хизматлари кўрсатиш ҳам деярли шунча, молия хизматлари кўрсатиш эса салкам уч баравар ошганини кўриш мумкин.

2018 йил маълумотлари асосида кўрсатилган хизматлар ҳажмини ҳудудлар бўйича таҳдил қиласак, Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Бухоро вилоятлари юқори кўрсатичларга эришганининг гувоҳи бўламиз.

Умумлаштириб айтганда, иқтисодиётда инновациялар ва рақамли технологияларнинг аҳамияти тобора ортиб бораётган вазиятларда хизматлар соҳаси макроиқтисодий барқарорликни ҳамда иқтисодий фаолликни таъминлайдиган энг мақбул ва асосий йўналишлардан биридир.

Ўтказилган таҳдиллар натижаларига асосланиб, хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакатимизда жадал

rivожланайтган тармоқлардан бири, десак хато бўлмайди. Қуйидаги тавсиялар эса унинг янада тараққий этишига ва миллий иқтисодиётдаги ўрни ҳар қачонгидан мустаҳкамланишига ёрдам беради, деган умиддамиз:

- рақобатбардош хизматлар кўрсатиш ҳамда хизматлар самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур соҳада “кластер” механизмидан фойдаланишини такомиллаштириш. Чунки кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ташқи иқтисодий интеграцияни фаоллаштиришнинг самарали механизми саналади;

- рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ахборот ва алоқа соҳасида хизматлар кўрсатишни инновацион ривожлантириш. Бунда илм-фаннынг сўнгги ютуқларини қўллаш, илгор хорижий тажрибалардан фойдаланишини йўлга қўйиши;

- мамлакатимиздаги улкан туристик салоҳият мавжудлигини инобатга олиб, туристик хизматлар кўрсатишни сифат жиҳатдан янада такомиллаштириш, туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлашни ривожлантириш ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиста Мурожаатномаси.
<https://president.uz/uz/lists/view/3324>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони. “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль.
3. Булатова А.С., Литвинцева Н.Н. Мировая экономика и международные экономические отношения, 2008 г.
4. Урунбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида турмуш даражасини ошириш истиқболлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Самарқанд, 2018 йил.
5. Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд, 2010 йил.
6. www.stat.uz маълумотлари.